# XALQ DEPUTATLARI QO'QON SHAHAR KENGASHI

# Q A R O R I

2022 - yil 21 - oktabr VI-53-87-11-166-K/22 Qo'qon shahar hokimligi

## Қўқон шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 9 ойликдаги ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27 ва 165-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлёиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5283-сонли Фармони ҳамда шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 9 ойлик ижроси юзасидан шаҳар молия бўлимининг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама этиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қўқон шаҳар ҳокимлиги молия бўлими мудири Л.Мамаджоновнинг маҳаллий бюджетнинг 2022 йил 9 ойлик ижроси тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўқон шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 9 ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Бунга кўра;

Қўқон шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 9 ойлик даромадлари 131 634,4 млн. сўм ва маҳаллий бюджет харажатлари киритилган

ўзгартиришлар билан бирга 273 062,5 млн. сўм миқдоридаги ижроси маъқуллансин.

3. Қўқон шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 9 ойлик учун тасдиқланган даромадлари ва харажатлари ёйилмасига киритилган ўзгартиришлар билан аниқланган режаси 1- ва 2- иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қўқон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Худойназаров, шаҳар ҳокимлиги молия бўлими мудири Л.Мамаджонов, Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Қ.Абдуллаевлар, масъул ташкилот ва идоралар бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш, тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушимини таъминлаш ҳамда бюджет даромадлар базасини ошириш зарурлигига қаратилсин.

5. Шаҳар ҳокимлиги молия бўлими, шаҳар Давлат солиқ инспекцияси, тегишли бўлим ва ташкилотлар ҳамда бюджет маблағлари тақсимловчилари билан биргаликда Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳар чоракда ахборот бериб борилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси Р.Исмаилов зиммасига юклатилсин.

**Қўқон шаҳар ҳокими** **М.Усмонов**

Xalq deputatlari Qo‘qon shahar Kengashining
2022 yil 21 oktabrdagi
VI-53-87-11-166-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Қўқон шаҳар маҳаллий бюджет даромадларининг прогноз кўрсаткичларига 2022 йил III-чоригида киритилган ўзгаришлари билан даромадлари миқдори**

млн.сўм

| № | Сохалар номи | Қўқон шаҳар маҳаллий бюджети | | | Узгариш ким томонидан қилинган | Тасдиқланган режа | Аниқланган режа | Ўзгаришлар (+,-) | Вилоят молия бошқармаси билдиришномасига асосан | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | I, | Даромадлар жами *(солиқ ва тушумлар)* | 112 439,3 | 120 334,0 | | | | | 7 894,7 | 7 894,7 |
| | | 1 | Тадбиркорлардан қатъий белгиланган солиқ | 5 864,0 | 5 962,0 | 98,0 | 98,0 | | | | |
| 2 | Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ | 6 333,0 | 5 326,0 | -1 007,0 | -1 007,0 | | | | | | |
| 3 | Жисмоний шахслардан ер солиғи | 5 129,0 | 4 641,0 | -488,0 | -488,0 | | | | | | |
| 4 | Давлат мулки ижара туловлари | 350,0 | 357,0 | 7,0 | 7,0 | | | | | | |
| 5 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 740,5 | 353,5 | -387,0 | -387,0 | | | | | | |
| 6 | Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 16 163,0 | 18 347,0 | 2 184,0 | 2 184,0 | | | | | | |
| 7 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 63 786,0 | 69 374,0 | 5 588,0 | 5 588,0 | | | | | | |
| 8 | Акциз солиқлари | 4 547,8 | 4 540,0 | -7,8 | -7,8 | | | | | | |
| | - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ | 4 547,8 | 4 540,0 | -7,8 | -7,8 | | | | | | |
| 9 | Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ | 4 992,5 | 6 024,5 | 1 032,0 | 1 032,0 | | | | | | |
| 10 | Юридик шахслардан ер солиғи | 4 533,5 | 5 409,0 | 875,5 | 875,5 | | | | | | |

Xalq deputatlari Qo‘qon shahar Kengashining
2022 yil 21 oktabrdagi
VI-53-87-11-166-K/22-son qaroriga
2-ilova

# Қўқон шаҳар маҳаллий бюджети харажатларининг 2022 йил III-чорак давомида киритилган ўзгаришлар билан аниқлаштирилган режа кўрсаткичлари

млн.сўм

| Т/р | Ташкилот номи | Тасдиқланган режа | Аниқланган режа | Киритилган ўзгариш | шундан | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Шаҳар молия бўлими билдиришномасига асосан | Вилоят молия бошқармаси билдиришномасига асосан |
| 1 | Хокимлик | 23 353,5 | 23 223,1 | -130,4 | 860,2 | -990,6 |
| 2 | Халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгаши котибияти | 137,1 | 142,7 | 5,6 | 0,0 | 5,6 |
| 3 | Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими | 5 540,0 | 5 256,7 | -283,3 | -283,3 | 0,0 |
| 4 | Бандликка кўмаклашиш маркази | 669,4 | 713,2 | 43,8 | 0,0 | 43,8 |
| 5 | Ветеринария | 478,3 | 507,0 | 28,6 | 0,0 | 28,6 |
| 6 | Ободонлаштириш бошқармаси | 22 363,9 | 24 794,0 | 2 430,1 | 119,6 | 2 310,5 |
| 7 | Тиббиёт бирлашма | 106 697,1 | 122 911,7 | 16 214,7 | 0,0 | 16 214,7 |
| 8 | 1-сонли шифохона | 297,4 | 332,8 | 35,4 | 0,0 | 35,4 |
| 9 | Санитария эпидемиология осойишталик маркази | 2 543,8 | 3 159,3 | 615,6 | 0,0 | 615,6 |
| 10 | Ахборот кутубхона маркази | 537,6 | 527,8 | -9,8 | 0,0 | -9,8 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 11 | Маданият бўлими | 1 401,0 | 1 350,0 | -51,0 | 0,0 | -51,0 |
| 12 | 1-болалар усмирлар спорт мактаби | 2 384,1 | 2 628,3 | 244,2 | 86,0 | 158,2 |
| 13 | 2-болалар усмирлар спорт мактаби | 2 078,2 | 2 219,1 | 140,9 | 0,0 | 140,9 |
| 14 | Мактабгача таълим бўлими | 14 921,6 | 15 236,2 | 314,7 | 0,0 | 314,7 |
| 15 | Халқ таълими бўлими | 8 243,5 | 8 526,3 | 282,8 | 54,0 | 228,8 |
| 16 | 5-мусика мактаб | 5 129,5 | 5 502,8 | 373,3 | 0,0 | 373,3 |
| 17 | 6-мусика мактаб | 1 871,1 | 1 968,2 | 97,1 | 0,0 | 97,1 |
| 18 | 7-мусика мактаб | 1 561,1 | 1 740,7 | 179,6 | 0,0 | 179,6 |
| 19 | Ёшлар ишлар агентлиги | 0,0 | 4 000,4 | 4 000,4 | 330,0 | 3 670,4 |
| 20 | Молия бўлими | 29 583,3 | 57 652,7 | 28 069,4 | 0,0 | 28 069,4 |
| | **ЖАМИ** | **229 791,2** | **282 393,0** | **52 601,7** | **1 166,5** | **51 435,2** |